

Басра қозиси Зурора ибн Авфо



16:29 / 24.12.2018 4112

Исмлари Зурора ибн Авфо Омирий Ҳароший, кунялари Абу Ҳожиб, яшаган жойлари Басра бўлиб, Басра шаҳрининг қозиси бўлганлар. Обид ва ишончли кишилардан эдилар. Ҳижрий 93 йилда Басрада вафот этганлар.

Абу Жаноб Қассоб айтади: “Бир куни Зурора ибн Авфо Қушайр масжидида бизга имомлик қилди.

رُوْقَانِ لَآ يَفَرُّونَ اِذِاف

“Ва қачонки дудга пуфланса” (Муддассир сураси, 8-оят) оятига етганда, жони узилиб, ерга йиқилди. Уни кўтарганлар орасида мен ҳам бор эдим”.

Солих Муррий айтади: “Зурора ибн Авфони вафотларидан кейин тушимда кўрдим. У кишига: “Аллоҳ сизни раҳматига олсин! Сиз ҳақингизда нима

дейилди?” дедим. У киши мендан юзларини бурдилар. Кейин мен у кишидан: “Аллоҳ сизни нима қилди?” деб сўрадим. Шунда у киши менга яқин келдилар ва: “Мен билан фазли, жувди, карами ила муомала қилди” деб жавоб бердилар. Мен яна у кишидан: “Сизнинг наздингизда қайси амал афзалроқ ва етукроқ” деб сўрасам, “Ризо ва орзуни қисқа қилиш” деб жавоб бердилар”.